

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ



БУЛУТЛИ ҲИСОБЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

“Телекоммуникация технологиялари” йўналиши

Тошкент - 2022

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУЎАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Телекоммуникация технологиялари” йўналиши

“БУЛУТЛИ ҲИСОБЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”

МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2022

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчилар: Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ҳузуридаги
ПКҚТваУМО тармоқ маркази директори, п.ф.д., проф.
Ф.Закирова,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ, “Ахборот
технологиялари” кафедраси ўқитувчиси И.Юсупов.

Тақризчилар: Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ва Беларуссия
Давлат информатика ва радиоэлектроника
университетининг кўшма ахборот технологиялари
факультети декани, DSc Ю.Писецкий,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ, “Мобил алоқа
технологиялари” кафедраси проф., DSc Д.Давронбеков.

**Ўқув -услубий мажмуа Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент
ахборот технологиялари университети Кенгашининг қарори билан
нашрга тавсия қилинган (2020 йил 29 октябрдаги 3(705)-сонли
баённомаси)**

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----------|
| I. Ишчи дастур | 5 |
| II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол методлар | 10 |
| III. Назарий материаллар..... | 17 |
| IV. Амалий машғулот материаллари..... | 43 |
| V. Кейслар банки..... | 76 |
| VI. Глоссарий | 82 |
| VII. Адабиётлар рўйхати..... | 87 |

І БЎЛІМ

ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Булутли ҳисоблаш технологиялари“ модулининг мақсади: булутли ҳисоблаш технологиялари бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ошириш.

Модулнинг вазифалари: олий таълим муассасалари педагог кадрларида булутли ҳисоблаш технологиялари ҳақида назарий ва амалий билимларни, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Булутли ҳисоблаш технологиялари“ модулининг модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- булутли ҳисоблаш ва унинг асосий тушунчалари, моделлари, хизматлари (IaaS, PaaS, SaaS), OS, Hardware, Server, Storage(joy) виртуализацияси хусусиятларини *билиши* керак.

- булутли ҳисоблаш Google Drive, Dropbox, Cloud.uz. Oracle Virtualbox тизимларини ўрнатиш ва сошлаш, OwnCloud ва nextCloud - шахсий булутли дастурий воситаларини ўрнатиш **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.

- булутли ҳисоблаш Google Drive, Dropbox, Cloud.uz. Oracle Virtualbox тизимларини қўллаш, OwnCloud ва nextCloud - булутли дастурий воситаларидан фойдаланиш **малакаларига** эга бўлиши лозим.

- булутли ҳисоблаш тизимлари ва OwnCloud ва nextCloud - булутли дастурий воситалари асосида телекоммуникация технологияларини бошқариш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Булутли ҳисоблаш технологиялари“ модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Булутли ҳисоблаш технологиялари“ модули мазмуни ўқув режадаги “Телекоммуникация тизимларнинг янги авлодлари (NGN, IMS,SDH, DWDM)”, “Киберхавфсизлик” ва “3G ва 4G технологиялари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таълим жараёнида булутли ҳисоблаш, катта маълумотлар ва виртуал реаллик тизимларидан фойдаланиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулни олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар электрон ҳукуматни жорий этишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоги

| № | Модуль мавзулари | Аудитория укув юкламаси | | | |
|----|--|-------------------------|----------|----------------|----------------|
| | | Жами | жумладан | | |
| | | | Назарий | Амаий машғулот | Кўчма машғулот |
| 1. | Булутли ҳисоблаш (Cloud computing) ва унинг асосий тушунчалари. | 2 | 2 | | |
| 2. | Булутли ҳисоблаш моделлари: жамоат, хусусий, умумий ва гибрид булутлар. | 2 | 2 | | |
| 3 | Булутли ҳисоблаш хизматлари: IaaS, PaaS, SaaS. | 2 | 2 | | |
| 4 | Виртуаллаштириш: OS, Hardware, Server, Storage виртуализацияси. | 2 | 2 | | |
| 5 | Virtualbox тизимини Windows, Mac ва Linux операцион тизимларида ўрнатиш ва сошлаш. | 4 | | 4 | |
| 6 | Oracle Virtualbox тизимида Linux Ubuntu 16.04 ва CentOS 7 ни ўрнатиш. | 4 | | 2 | |
| 7 | Owncloud ва nextcloud - шахсий булут дастурий воситаларини ўрнатиш. | 2 | | 2 | |
| 8 | Ubuntu 16.04 га Nextcloudни ўрнатиш ва сошлаш. | 2 | | 2 | |
| | Жами: | 18 | 8 | 10 | 0 |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1- маъруза. Булутли ҳисоблаш (Cloud computing) ва унинг асосий тушунчалари (2 соат)

Булутли ҳисоблаш (Cloud computing)нинг асосий тушунчалари. Булутли ҳисоблашнинг афзалликлари. Булутли ҳисоблашнинг хусусиятлари.

2- маъруза. Булутли ҳисоблаш моделлари: Public Cloud (жамоат булут), Private Cloud (хусусий булут), Community cloud (жамият булут), Hybrid cloud (гибрид булут) (2 соат)

Булутли ҳисоблашнинг синфланиши. Булут моделлари. Деплоймент модели. Public Cloud (жамоат булут). Private Cloud (хусусий булут). Community cloud (умумий булут). Hybrid cloud (гибрид булут).

3- маъруза. Булутли ҳисоблаш хизматлари: IaaS, PaaS, SaaS. (2 соат).

Булут хизматлари. SaaS хизмати. PaaS хизмати. IaaS хизмати.

4-маъруза: Виртуаллаштириш: OS, Hardware, Server, Storage виртуализацияси. (2 соат)

Виртуализация жараёнлари. Виртуализация турлари. Виртуализация хусусиятлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Virtualbox тизимини Windows, Mac ва Linux операцион тизимларида ўрнатиш ва созлаш (4 соат).

2-амалий машғулот. Oracle Virtualbox тизимига Linux Ubuntu 16.04 ва CentOS 7 ни ўрнатиш. (2 соат).

3-амалий машғулот. Owncloud ва nextcloud - шахсий булут дастурий воситаларини ўрнатиш (2 соат).

4-амалий машғулот. Ubuntu 16.04 га Nextcloudни ўрнатиш ва созлаш (2 соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II БЎЛИМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«Блум кубиги» методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун “Очиқ” саволлар тузиш ва уларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

1. Ушбу методни қўллаш учун, оддий куб керак бўлади. Кубнинг ҳар бир томонида кўйидаги сўзлар ёзилади:
 - **Санаб беринг, таъриф беринг (оддий савол)**
 - **Нима учун (сабаб-оқибатни аниқлаштирувчи савол)**
 - **Тушинтириб беринг (муаммони ҳар томонлама қараш саволи)**
 - **Таклиф беринг (амалиёт билан боғлиқ савол)**
 - **Мисол келтиринг (ижодкорликни ривожлантирувчи савол)**
 - **Фикр беринг (таҳлил қилиш ва баҳолаш саволи)**
2. Ўқитувчи мавзуни белгилаб беради.
3. Ўқитувчи кубикни столга ташлайди. Қайси сўз чиқса, унга тегишли саволни беради.

“KWLH” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича кўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

Изоҳ. KWLH:

Know – нималарни биламан?

Want – нимани билишни хоҳлайман?

How - қандай билиб олсам бўлади?

Learn - нимани ўрганиб олдим?.

| “KWLH” методи | |
|--|--|
| 1. Нималарни биламан: - | 2. Нималарни билишни хоҳлайман, нималарни билишим керак: - |
| 3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан: - | 4. Нималарни билиб олдим: - |

“5W1H” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган олти саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

| | | |
|------------|---|--|
| What? | Нима? (таърифи, мазмуни, нима учун ишлатилади) | |
| Where? | Қаерда (жойлашган, қаердан олиш мукин)? | |
| What kind? | Қандай? (параметрлари, турлари мавжуд) | |
| When? | Қачон? (ишлатилади) | |
| Why? | Нима учун? (ишлатилади) | |
| How? | Қандай қилиб? (яратилади, сақланади, тўлдирилади, таҳрирлаш мумкин) | |

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

| | |
|--------------------------|--------------------------|
| S – (strength) | • кучли томонлари |
| W – (weakness) | • заиф, кучсиз томонлари |
| O – (opportunity) | • имкониятлари |
| T – (threat) | • хавфлар |

“БЕЕР” методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилди ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Беер” методидан маъруза машғулотида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

| Муаммоли савол | | | | | |
|----------------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| 1-усул | | 2-усул | | 3-усул | |
| афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| Хулоса: | | | | | |

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stady» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|---|---|
| 1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш |
| 2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| 3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш |
| 4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | <ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш |

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест



Муаммоли вазият



**Тушунча таҳлили
(симптом)**



Амалий вазифа

“Инсерт” методи

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

| Белгилар | Матн |
|---|------|
| “V” – таниш маълумот. | |
| “?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак. | |
| “+” бу маълумот мен учун янгилик. | |
| “– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман? | |

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Ш БЎЛИМ

НАЗАРИЙ
МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-маъруза.

Булутли ҳисоблаш (Cloud computing) ва унинг асосий тушунчалари. (2 соат)

Режа:

- 1.1. Булутли ҳисоблаш (Cloud computing)нинг асосий тушунчалари.
- 1.2. Булутли ҳисоблашнинг афзалликлари.
- 1.3. Булутли ҳисоблашнинг хусусиятлари.

Таянч иборалар: *Cloud computing, булут, булут ҳисоблашнинг хусусиятлари.*

1.1. Булутли ҳисоблаш (Cloud computing)нинг асосий тушунчалари.

Булутли ҳисоблаш (Cloud computing) деганда одатда фойдаланувчига компьютер ресурсларини ва қувватларини интернет-сервис кўринишида тақдим этилиши тушунилади.

“Булут” (**Cloud**) тушунчаси – АТ-инфратузилма ташкилотларининг инновацион модели (концепция) ҳисобланиб, у алоҳида ажратилган ва тақсимланган конфигурацияланган аппарат ва тармоқ ресурсларидан, дастурий таъминотдан ташкил топган ва улар масофадаги провайдерларни маълумотлар марказида ётади.


Булутли ҳисоблаш тизими ягона тизимдаги тармоқдан қулай ва бир вақтнинг ўзида конфигурацияланган ҳисоблаш ресурсларидан биргаликда фойдаланиш имкониятини яратади (мисол учун, тармоқлар, серверлар, маълумотлар базаси, иловалар ва сервислар) шу билан бирга минимал бошқаришда ҳам оператив ва эркин ишлаш имкониятини тақдим этади.

Булутли ҳисоблашларнинг юзага келишида «виртуаллаштириш» технологияларининг аҳамияти жуда катта ҳисобланади. Биринчи бўлиб 1960 йилда виртуаллаштириш технологиялари IBM томонидан тақлиф қилинган, аммо қиммат мейнфрейм компьютер технологияларини арзон x86 процесорли компьютер серверларига ўтгандан сўнг виртуаллаштириш тушунчаси анча вақтгача эсдан чиқарилди. 2000 йилдан бошланиб ҳолат ўзгара бошлади, шу йилларга қадар VMware x86 разрядли виртуаллаштириш монополиясини киритди. 2005 йилда VMware компанияси виртуал машиналарни DTдан фойдаланган ҳолда бепул тадбиқ қилди. 2006 йилда Microsoft компанияси «Microsoft virtual PC» Windows версиясини ишга туширди.

2006 йилда эса Амазон компанияси ўз қурилмаларида виртуал серверларни кенгайтириш орқали «Amazon Elastic Compute Cloud» юзага

келтирилди ва виртуал серверларни бошқа истеъмолчиларга ижарага бериш орқали булутли технологияларни келиб чиқишига туртки бўлди.

Булутли ҳисоблаш хизматлари ҳозирда сақлаш, тармоқ ва ишлов бериш асосларидан тортиб, табиий тилларни қайта ишлаш ва сунъий интеллектгача, шунингдек стандарт офис иловалари каби кенг имкониятларни қамраб олади. Юқори ҳисоблаш имкониятлари, харажатлар камлиги, юқори иш унумдорлиги, фойдаланиш имконияти, мавжудлик ва миқёслилик каби бир қатор афзалликларга эга булутли ҳисоблаш ҳозирги пайтда кўпчилик ташкилотлар учун шунчаки танлов эмас - заруратдир. Булутли хизмат кўрсатувчи провайдерлар инфратузилмани бошидан охригача бошқаради, бу эса корхоналарга асосий бизнес жараёнларини бошқаришга ва ишларнинг натижасини умумлаштиришга ёрдам беради. Булутли ҳисоблаш кўплаб хизматларни қўллаб-қувватлайди. Бунга Gmail каби истеъмолчи хизматлари ёки смартфонларингиздаги фотосуратларнинг захира нусхаси каби йирик хизматлар киради, лекин йирик корхоналарга ўзларининг барча маълумотларини қабул қилиш ва барча иловаларни булутда бошқариш имконини берадиган хизматлар киради.



1.1-расм. Булут тушунчасини батафсил тушунтириб берувчи модел.

Булутли ҳисоблаш концепциясининг моҳияти фойдаланувчилар хизматларига, ҳисоблаш ресурсларига ва иловаларига (операцион тизимлар ва инфраструктурани киритган ҳолда) интернет орқали масофавий динамик руҳсатни тақдим этишдан иборат.

Булутли ҳисоблаш (Cloud computing) ахборотларни қайта ишлаш моделлини ўзида тақдим этади, яъни масалаларни ечиш жараёнида аппарат ва дастур ресурсларини онлайн – хизмат сифатида фойдаланувчига тақдим этади.

Булутли ҳисоблаш технологиясидан фойдаланишнинг асосий афзаллиги ахборотларга киришни таъминлайдиган яширин мураккаб инфраструктурага эгаллиги ва уни охириги фойдаланувчи томонидан қайта ишлаш воситаси ҳисобланишида. Бу фойдаланувчиларга ахборотларни қайта ишлаш технологияларининг нозик фарқлари тўғрисида ўйламасдан ўзларининг мажбурятларини бажариш имкониятини беради.

Булут ресурсларини ташкилот ходимларининг ишларини ташкил қилинишига ўхшаш кўринишда тингловчиларнинг ўқиш жараёнини рационал ташкил қилиш имконига эга бўлиш мақсадида таълимда самарали фойдаланиш мумкин. Таълимда булут технологиясидан фойдаланишга мисол сифатида талабалар, профессор-ўқитувчилар ва бошқалар учун шахсий кабинетлар, электрон кундалик ва журналларни кўрсатиш мумкин. Булутли технология ахборот технологияларининг барча афзалликларидан фойдаланиб турли хил ижтимоий дастурий таъминотларга киришни ташкил қилиш имконини беради, улар мобил ўқишни ташкил қилиш учун платформа сифатида хизмат қилиши мумкин. Шу боис булутли технологиядан фойдаланиш ўқиш жараёнига сарфланадиган харажатларни камайтириш, ўқув материалларини шакллантириш, унга киришни таъминлаш, ўқув режаларини тезкор ўзгартириш ҳисобига ўқиш сифатини ошириш имконини беради.

1.2. Булутли ҳисоблашнинг афзалликлари.

Бугунги кунда АТ технологияларнинг кескин ривожланиши туфайли хусусан, булут технологиялардан фойдаланиш миқёси ошиши ташкилотлар, фойдаланувчиларни керакли хизматларини булутга кўчиб ўтишга ундамоқда, чунки булут ресурсларидан фойдаланишдаги мослашувчанлик, операцион харажатларнинг камлиги ёки бошқарилишдаги енгиллик, иш вақтининг ихтиёрий шаклдалиги ва кафолати, қўшма ишлаб чиқариш, гуруҳ бўлиб ишлашга имконият ва бошқалардир.



1.2-рasm. Булутли ҳисоблашнинг муҳим афзалликлари.

Булутли ҳисоблаш технологиясидан фойдаланилганда қуйдаги афзалликларга эга бўлади:

- захира нусха кўчириш (маълумотлар булутда сақлаб қолинади, хато агар компьютер ишдан чиққан тақдирда ҳам);

- сақлаш (булут барча турдаги маълумотларни сақлаш имкониятини фойдаланувчига тақдим этади);

- кириш ҳуқуқи (булутдаги маълумотларга кириш, мобил воситасидан кириш);

- ҳамкорлик (булут бир вақтнинг ўзида бир нечта фойдаланувчиларнинг биргаликда ишлаш имкониятини яратади, бу функция ёрдами билан гуруҳ бўлиб лойиҳаларни яратиш, машғулотларда профессор – ўқитувчилар ва талабалар ўртасида ҳамкорликда ишлашни оптимал режалаштириш имконига эга бўлади);

- вақтлар ва ресурсларга онгли муносабатни шаклланиши (профессор – ўқитувчиларга ўқув материаллардан нусха олишга вақт ва ресурслар сарфлашга зарурият бўлмайди, талабалар эса ўқув материалларга онлайн кириш ҳуқуқига эга бўладилар);

- топшириқлар (талабалар булутда ўзининг топшириқларини сақлаши, профессор – ўқитувчилар эса ўзига мақул бўлган вақтда уларга кириш ҳуқуқига эга бўладилар).

Бироқ, ижобий шарҳлардан ташқари, булутни сақлаш тушунчаси ҳам танқид қилинади. Булутли сақлаш ва хизматларнинг камчиликлари куйидагиларни ўз ичига олади:

- булутли хизматдан фойдаланганда барча маълумотлар чет эл серверларида жойлашган ва унга кириш учинчи томон дастурлари орқали амалга оширилади, натижада фойдаланувчи сақлаш хизматини тақдим этадиган компанияга қарам бўлади;

- ушбу технологиянинг кенг тарқалиши билан, фойдаланувчи қолдирган маълумотлар йиллар давомида сақланиб қолинса ёки унинг бирон бир қисмини ўзгартира олмаса, назорациз маълумотларни шакллантириш билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин;

- булутли компютерлардан фойдаланадиган хизматлардан фойдаланувчилар сони сезиларли даражада ошиши сабабли, хатолар ва маълумотларнинг тарқалиши нархи ошмоқда;

- АТ инфратузилмаси хавфсизлигига булутли сақлаш воситалари таъсир кўрсатиши мумкин:

- компания ходимлари махфий маълумотларни алмашишлари (ўғирлашлари) мумкин;

- булутли хизматлардаги ҳисоблар бузилиши мумкин ва бунинг натижасида махфий маълумотларнинг йўқолиши ёки оқиши мумкин;

- булутли тизимлардаги маълумотлар билан боғлиқ зиддиятли вазиятларда, қандай ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилиш кераклиги аниқ эмас.

Булутли хизматларнинг камчиликларини баҳолаб, уларни битта асосий муаммо сифатида умумлаштирсак, ушбу маълумотлар хавфсизлиги етарли эмас деган хулосага келиш мумкин.

1.3. Булутли ҳисоблашнинг хусусиятлари.

Булут ҳисоблашнинг хусусиятларини учта муҳим синфга бўлиш мумкин:

- 1) Асосий;
- 2) технологик;
- 3) иқтисодий.

Асосий хусусиятларни кўриб чиқамиз.

Эластиклик - бу хусусият ўлчаш қобилиятини англатади. Шуни таъкидлаш керакки, ишлатилган ресурслар сонининг динамик ўсишига кўшимча равишда ажратилган ҳисоблаш қувватини камайтириш имконияти ҳам талаб қилинади. Айнан мана шу хусусият булутли тизимларни классик ахборот тизимларига нисбатан бир қатор иқтисодий афзалликларни беради.

Хатоларга бардошлилик - хатоларга чидамлилигининг юқори даражасини таъминлаш ортиқча маблағларни талаб қилади. Булутли тизимларда виртуализация ёрдамида асосан ундан халос бўлиш мумкин.

Белгиланган хизмат сифатини таъминлаш - бу нафақат хизматларнинг юқори даражада бўлишини таъминлаш, балки бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган хусусиятларни ҳам ўз ичига олади: фойдаланувчи ҳаракатларига жавоб бериш вақти, эълон қилинган ишларнинг бажарилиши ва ҳоказо. Кўрсатилаётган хизматларнинг сифати кафолатларисиз булутли тизимлардан фойдаланиш (айниқса ташқи провайдер томонидан таъминланадиган).) бизнес учун ўта хавфли бўлиб қоладилар. Динамиклик - ИТ тизими ўзгарувчан бизнес эҳтиёжларига жавоб бера оладиган вақт, ҳозирги вақтда жуда муҳим параметрга айланмоқда. Агар тизим мижозларнинг талабларини ўзгартирган ҳолда тезда қайта тиклана олса, у бизнеснинг узлуксизлигини таъминлаш учун асос бўлади ва булутли инфратузилмалар учун сиз ортиқча сарфланган ресурслар билан тўлашга мажбур эмассиз.

Технологик хусусиятларни қараб чиқамиз.

Виртуализация - виртуализация тизимларидан фойдаланиш жисмоний ускуналардан мавҳум ҳолда булут тизимлари учун асосий талабларни бажаришга имкон беради. Шу билан бирга, тизимга техник хизмат кўрсатиш нафақат соддалаштирилган, балки инфратузилманинг барқарорлиги ҳам оширилган. Бундан ташқари, виртуализациядан фойдаланиш булут тизимлари учун эластик кенгайишни таъминлайди.

Сақлашни бошқариш - булутли тизимлар тез-тез тарқатилганлиги сабабли, маълумотларга киришни самарали бошқариш вазифаси жуда кескин. Мувофиқликни таъминлашдан ташқари, кириш тезлигини ва сақланадиган маълумот ҳажмининг ошишини ҳам ҳисобга олиш керак.

Хавфсизлик - булут тизимларининг хавфсизлигини таъминлаш бугунги кунда булут тизимларини ташкил қилиш ва улар билан ишлашда энг муҳим вазифа ҳисобланади. Ҳозирги вақтда маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш учун тайёр эчим йўқ ва ҳар ким бу муаммони ўз йўлида ҳал қилади.

Булутли дастурлар учун дастурий таъминот АПИ-лари - иловалар ва булутли тизимларнинг ўзаро таъсири учун стандартлаштирилган дастурий интерфейсларнинг мавжудлиги ишлаб чиқувчиларга булутли инфратузилманинг барча афзалликларидан фойдаланган ҳолда дастлаб булутли дастурларни яратишга имкон беради.

Истеъмол қилинадиган ресурслар ва тақдим этилаётган хизматларнинг кўрсаткичлари бир қатор булутли инфратузилма функцияларини бошқариш ва автоматлаштиришни таъминлаш учун жуда муҳимдир.

Иқтисодий хусусиятларни қараб чиқамиз.

Европалик мутахассислар томонидан айтилган булутли тизимларни амалга оширишнинг иқтисодий жиҳатлари аллақачон яхши маълум бўлган:

- фақат ишлатилган ресурслар учун тўлов;
- мулк қийматининг пасайиши;
- Инвестицияларнинг юқори рентабеллиги;
- капитал харажатларнинг бир қисмини операцион тизимга ўтказиш;

- Замонавий ИТ технологияларининг экологик жиҳатлари.



1.3-расм. 2021 йилгача булутли ҳисоб-китобларнинг даромадларини башорат қилиниши

Бугунги кунда, жорий йилда булутли хизматлар учун глобал харажатлар \$ 230 миллиарддан \$ 320 миллиардга етади. Бу, шунингдек, таҳлилчилар кутганидан кўра тезроқ ўсмоқда. Аммо бу талабнинг қанчаси ҳақиқатдан ҳам булутга ўтишни истаган корхоналардан келиб чиқаётгани ва ҳозирда фақатгина ўзларининг маҳсулотларини булутли версияларини таклиф қиладиган фойдаланувчи ва провайдерлар томонидан яратилаётган хизматларга боғлиқдир.

Демак, Cloud технологиялари келажак технологиясини деб юритилиши учун етарли асосга эга ва барча соҳаларни қамраб олувчи технология ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Булутли ҳисоблашнинг моҳияти нимада?
2. Булутли ҳисоблаш нима?
3. Булут нима?
4. Булутли ҳисоблашни ташкил қилиш усуллари қандай?
5. Булутли ҳисоблашнинг қандай афзалликлари бор?
6. Булутли ҳисоблашнинг камчиликлари қандай?

Адабиётлар ва интернет сайтлари:

1. Кононюк А.Е. Облачные вычисления. – Киев, 2018. – 621 с.
2. Электронный учебник по облачным вычислениям.
<https://coderlessons.com/tutorials/akademicheskii/izuchite-oblachnye-vychisleniia/obzor-oblachnykh-vychislenii>
3. Введение в облачные вычисления.
<https://www.intuit.ru/studies/courses/673/529/info>
4. <https://www.javatpoint.com/virtualization-in-cloud-computing>
5. <https://www.redhat.com/en/topics/cloud-computing/cloud-vs-virtualization>
6. <https://1cloud.ru/services/private-cloud/iaas-paas-saas>

2-мавзу. Булутли ҳисоблаш моделлари: Public Cloud (жамоат булут), Private Cloud (хусусий булут), Community cloud (жамият булут), Gibrid cloud (гибрид булут). (2 соат)

Режа:

2.1. Булутли ҳисоблашнинг синфланиши. Булут моделлари. Деплоймент модели.

- 2.2. Public Cloud (жамоат булут).
- 2.3. Private Cloud (хусусий булут).
- 2.4. Community cloud (умумий булут).
- 2.5. Gibrid cloud (гибрид булут).

Таянч иборалар: булут турлари, жамоат булут, хусусий булут, гибрид булут, умумий булут, булут модклари, Deployment (амалга ошириш) модели, Public Cloud (жамоат булут), Private Cloud (хусусий булут), Community cloud (жамият булут), Gibrid cloud (гибрид булут).

2.1. Булутли ҳисоблашнинг синфланиши. Булут моделлари. Деплоймент модели.

Булутли ҳисоблашнинг нисбий янгилиги ва тез суръатлар билан ўсиши, уни барча учун қизиқарли соҳага айлантирмоқда. Булутли ҳисоблаш тезкор равишда таъминладиган ва фойдаланувчилар томонидан минимал бошқариш ва хизмат кўрсатувчи провайдерларнинг ўзаро таъсири натижасида тез таъминланиши ва чиқарилиши мумкин бўлган, созланадиган, ҳисоблаш ресурсларининг умумий, қулай ва талабга биноан тармоққа уланиш учун модел сифатида белгиланади. Булутли ҳисоблаш ташкилотнинг АТ-инфратузилмасини қуриш учун ёндашувини ўзгартириш учун йиғилган

турли хил технологиялар босқичи ҳисобланади. Аслида, булутли ҳисоблашда мавжуд хизматларнинг ҳар қандай янги кўринишида технологик бирон-бир янгилик йўқ, бу технологияларнинг аксарияти анчадан буён фойдаланиб келинмоқда. Буларнинг барчасини булутли ҳисоблаш номи остида оммага хизмат кўрсатиш сифатида ягона платформага бирлаштирилган ва ривожлантириб келинмоқда. Шунга кўра булутли ҳисоблашдан фойдаланиш, амалга ошириш турига кўра турли синфларга ажратилади.

Булутларнинг тўрт тури мавжуд:

- 1) жамоат булут;
- 2) хусусий булут;
- 3) умумий булут;
- 4) гибрид булут.



2.1-расм. Cloud Deployment модел турлари.

Бундан ташқари, тақсимланган булутлар, кўп булутлар, поли булутлар ва бошқа моделлар мавжуд, аммо улар унчалик кенг тарқалган эмас. Энг машҳур булутли ҳисоблашдан амалга ошириш моделларининг асосий қисмларига киришдан олдин, деплоймент модели нима эканлигини аниқлаб оламиз.


Deployment (амалга ошириш) модели - бу фойдаланиш инфратузилмасининг мавжудлиги ва эгалик ҳуқуқи ва сақлаш ҳажми каби атроф-муҳит параметрларининг аниқ конфигурацияси ҳисобланади. Бу инфратузилмани ким бошқараётганига ва у қаерда жойлашганига қараб

турлича бўлишини мумкин. Ушбу булут туридан максимал даражада фойдаланиш учун ташкилот унга энг мос келадиган моделни танлаши керак. Биттасини танлаш учун ҳисоблаш, тармоқ ва сақлаш талаблари, мавжуд манбалар ва бизнес мақсадлари, шунингдек булутни тарқатиш моделларининг афзалликлари ва камчиликларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Чунки, ушбу моделлар хавфсизлик, тезлик, сақалш ва хизмат кўрсатиш турига қараб турлича шаклда амалга оширилади.

2.6. Public Cloud (Жамоат булут).

Жамоат булутлар - кенг омма учун очик ва маълумотлар учинчи томон серверларида яратилади ва сақланади. Сервер инфратузилмаси уларни бошқарадиган хизмат кўрсатувчи провайдерларга тегишлидир, шунинг учун фойдаланувчи компаниялари ўз ускуналарини сотиб олишлари ва уларга хизмат кўрсатишлари шарт эмас. Провайдер компаниялар ресурсларни бепул хизмат сифатида ёки Интернетга уланиш орқали фойдаланиш учун тўлаш асосида таклиф қиладилар. Агар керак бўлса, фойдаланувчилар ресурсларни катталаштириши мумкин. Жамоат булутни тарқатиш модели махфийлик муаммолари кам бўлган соҳаларда ишлайдиган корхоналар учун биринчи танловдир.

Жамоат моделлари ҳақида гап кетганда, Амазон Elastic Compute Cloud (Amazon EC2) - энг яхши хизмат кўрсатувчи провайдер, Microsoft Azure, Google App Engine, IBM Cloud, Salesforce Heroku ва бошқаларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин.



2.2-расм. Public cloud.

Жамоат булутнинг афзалликларини қараб чиқамиз.

1. Шовқинсиз инфратузилмани бошқариш. Булутли инфратузилмани бошқарадиган учинчи томоннинг мавжудлиги: сизга дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва сақлаш зарур эмас, чунки хизмат кўрсатувчи провайдер сиз учун буни амалга оширади.

2. Юқори мослашувчанлик. Сизнинг компаниянгиз талаблари ошиб бориши билан сиз мавжуд имкониятларни осонгина кенгайтиришингиз мумкин.

3. Кам харажатлар. Сиз фақат фойдаланадиган хизмат учун тўлайсиз, қўшимча қурилмалар ёки дастурий таъминотга маблағ киритишингиз шарт эмас.

4. 24/7. Провайдер серверларининг кенг тармоғи инфратузилманинг доимий мавжудлигини ва унинг ишлаш вақтини яхшилайдди.

2.3. Private Cloud (хусусий булут).


Техник нуқтаи назардан, жамоат ва хусусий модел ўртасида деярли фарк йўқ, чунки уларнинг архитектуралари жуда ўхшашдир. Шунинг учун уни ички ёки корпоратив деб ҳам аташади ва у аниқ белгиланган шахслар доираси, хусусий омборхонада сақланадиган маълумотдан фойдаланиш имкониятига эга. Кўп сонли қоидабузарликларни ҳисобга олган ҳолда, ўсиб бораётган кўплаб йирик корпорациялар ёпиқ хусусий шаклдан фойдаланишни ўзлари учун оптимал деб биладилар, чунки бунда ҳавф камроқ хавфли бўлади ва маълумотлар йўқолиши олди олинади. Агар жамоавий булут билан таққослайдиган бўлсак, хусусий компания инфратузилмаси компаниянинг талабларига мослаштириш учун кенгрок имкониятларни тақдим этади. Хусусий булут модели эса айниқса муҳим вазибаларни бажаришга интилаётган компаниялар ёки ўзгарувчан талабларга эга корхоналар учун жавоб беради.

Amazon, IBM, Cisco, Dell, Red Hat сингари жамоавий булутли хизматларнинг бир нечта провайдерлари жамоавий ечимлар билан бир каторда хусусий булут ечимларни ҳам тақдим этадилар.

Хусусий булутнинг афзалликларини қараб чиқамиз. Ушбу деплоймент моделининг барча афзалликлари унинг автономлигига боғлиқ. Улар қуйидагилар:

1. Компанияларга инфратузилмаларни талабларига мувофиқ равишда созлаш имконини берадиган ва мослашувчан хизматлар.


2. Юқори даражадаги хавфсизлик, махфийлик ва ишонччилик ва шунингдек, манбаларга киришга фақат ваколатли шахслар учун имтиёзлар.



2.3-расм. Private Cloud.

2.4. Community cloud (умумий булут).

Community деплоймент модели асосан хусусий булутга ўхшайди. Ягона фарқ фойдаланувчилар тўпламидир. Хусусий шакл деганда, фақат битта компания серверга эгалик қилади, жамоа бўлса, шунга ўхшаш маълумотларга эга бўлган бир нечта ташкилотлар инфратузилмаси ва тегишли ресурсларни ўзаро бўлишадилар. Агар ташкилотларда хавфсизлик, махфийлик ва ишлашнинг ягона талаблари бўлса, бу кўп фойдаланувчилар маълумотлар марказининг архитектураси, компанияларга, бизнесга оид мақсадларга эришишда ёрдам беради. Шунинг учун Community модели айниқса кўшма лойиҳалар устида ишлайдиган ташкилотлар учун жуда мос келади. Бундай ҳолда, марказлаштирилган булут лойиҳани ишлаб чиқиш, бошқариш ва амалга оширишга ёрдам беради. Шунингдек, харажатлар барча фойдаланувчиларга тақсимланади.



2.4-расм. Community cloud.


2.5. Gibririd cloud (гибрид булут).

Одатда ҳар қандай ҳодисада гибрид бўлгани каби, гибрид моделда юқорида айтиб ўтилган деплоймент моделларининг энг яхши хусусиятларини - жамоат, хусусий ва умумий булутларни ўз ичига олади. Бу компанияларга уларнинг талабларига энг мос келадиган барча уч турларни аралаштириш ва мослаштиришга имкон беради.

Мисол сифатида, компаниянинг муҳим шахсий маълумотларини хавфсиз - шахсий булутга жойлаштириш ва кам аҳамиятли ишларни жамоат учун жойлаштириш орқали ўз юкламаларини мувозанатлаши мумкин. Гибрид булутларни деплоймент модели нафақат стратегик муҳим активларни ҳимоя қилади ва назорат қилади, балки ҳар бир алоҳида ҳолат учун имкон қадар тежамкор ва ресурсли усулда амалга оширади. Шунингдек, ушбу ёндашув маълумотлар ва дастурларнинг кўчирилишини осонлаштиради.

Гибрид булутнинг афзалликлари қўйигилардан иборат:

- хавфсизлик ва махфийлик яхшиланади;
- кенгайтирилган миқёслилик ва мослашувчанлик;
- мақбул нарх.



2.5-расм. Gибриd cloud.

Назорат саволлари:

1. Cloudнинг деплоймент модели деганда нпимани тушинамиз?.
2. Public Cloud (жамоат булут) моделига таъриф беринг.
3. Private Cloud (шахсий булут) модели га таъриф беринг.
4. Community Cloud (умумий булут) моделига таъриф беринг.
5. Hybrid Cloud (гибрид булут) моделига таъриф беринг.

Адабиётлар ва интернет сайтлари:

7. Кононюк А.Е. Облачные вычисления. – Киев, 2018. – 621 с.
8. Электронный учебник по облачным вычислениям.
<https://coderlessons.com/tutorials/akademicheskii/izuchite-oblachnye-vychisleniia/obzor-oblachnykh-vychislenii>
9. Введение в облачные вычисления.
<https://www.intuit.ru/studies/courses/673/529/info>
10. <https://www.javatpoint.com/virtualization-in-cloud-computing>
11. <https://www.redhat.com/en/topics/cloud-computing/cloud-vs-virtualization>

3-маъруза. Булутли ҳисоблаш хизматлари: IaaS, PaaS, SaaS. (2 соат).

Режа:

- 3.1. Булут хизматлари.
- 3.2. SaaS хизмати.
- 3.3. PaaS хизмати.
- 3.4. IaaS хизмати.

Таянч иборалар: булут хизматлари, SaaS, PaaS, IaaS.

3.1. Булут хизматлари.

Булутли ҳисоблаш билан боғлиқ бўлган барча сервислар одатда “as a Service” ёкиaaS сўзи билан аталади. Бу эса "хизмат сифатида" деган маънони англатади.

Булут хизматининг учта модели мавжуд:

- 1) дастурий восита хизмат сифатида (Software -as-a-Service - SaaS),
- 2) платформа хизмат сифатида (Platform-as-a-Service - PaaS),
- 3) инфратузилма хизмат сифатида (Infrastructure-as-a-Service - IaaS).

Буларнинг ҳар бири ўз афзалликлари билан бир қаторда турли хил хусусиятларга эга ва фойдаланувчилар учун энг яхши ва зарурий хизматни танлашни билиш учун SaaS, PaaS ва IaaS ўртасидаги фарқларни тушуниш керак.

3.1-жадвал.

SaaS, PaaS, IaaS хизматларига мисоллар

| Хизмат тури | Мисоллар |
|-------------|---|
| SaaS | Google Apps, Dropbox, Salesforce, Cisco WebEx, Concur, GoToMeeting |
| PaaS | AWS Elastic Beanstalk, Windows Azure, Heroku, Force.com, Google App Engine, Apache Stratos, OpenShift |
| IaaS | DigitalOcean, Linode, Rackspace, Amazon Web Services (AWS), Cisco Metapod, Microsoft Azure, Google Compute Engine (GCE) |

3.2. SaaS хизмати.

SaaS - Software as a Service (дастурий восита хизмат сифатида) - ушбу хизмат "булутли илова дастурлари" деб номланади, АТ бозорида энг кўп ишлатиладиган вариантлардан бири ҳисобланади.

SaaS хизмати учинчи томон провайдерлар томонидан бошқариладиган иловаларни ўз фойдаланувчиларига етказиб бериш учун интернетдан фойдаланади. SaaS хизматининг кўпгина иловалари тўғридан-тўғри веб-браузер орқали ишлайди, яъни улар мижоз томонидан бирон-бир юклаб олиш ёки ўрнатишни талаб қилмайди.

SaaS хизмати ўзининг веб-етказиб бериш модели туфайли АТ соҳаси ходимларни ҳар бир шахсий компьютерга дастурларни юклаб олиш ва ўрнатишга бўлган эҳтиёжни бартараф этади. SaaS ёрдамида сотувчилар маълумотлар, ўрта дастурлар, серверлар ва сақлаш каби барча мумкин бўлган техник муаммоларни бошқарадилар, натижада бу хизматни соддалаштиради ва қўллаб-қувватлайди.

SaaS хизмати дастурий таъминотни ўрнатиш, бошқариш ва янгилаш каби зерикарли ишларга сарфланадиган вақт ва пулни сезиларли даражада тежаб, ходимлар ва компаниялар учун кўплаб афзалликларни беради.

SaaS хусусиятлари: SaaS хизматининг қачон ишлатилишини аниқлашга ёрдам берадиган бир неча усуллари мавжуд:

- A. Марказий жойдан бошқарилади;
- B. Масофавий серверда жойлаштирилади;
- C. Интернет орқали кириш мумкин бўлади.

3.3. PaaS хизмати.

PaaS - Platform-as-a-Service (платформа хизмат сифатида) номи билан ҳам танилган булутли платформа хизматлари асосан, дастурларда ишлатилганда маълум дастурий таъминотга булутнинг таркибий қисмларни тақдим этади.

PaaS хизмати ишлаб чиқувчиларга, фойдаланувчиларга махсус дастурларни яратишда фойдаланиши ва фойдаланиш мумкин бўлган асосни тақдим этади. Барча серверларни, сақлаш ва тармоқларни корхона ёки учинчи томон таъминотчиси бошқариши мумкин, ишлаб чиқувчилар(провайдерлар) эса иловаларни бошқаришни таъминлайдилар.

PaaS хизматининг етказиб бериш модели SaaS-га ўхшайди, дастурни Интернет орқали етказиб бериш ўрнига, PaaS дастурий таъминотни яратиш учун платформани тақдим этади. Ушбу платформа веб орқали етказиб берилади, бу ишлаб чиқувчиларга операцион тизимлар, дастурий таъминотни янгилаш, сақлаш ёки инфратузилма ҳақида хавотирланмасдан дастурий таъминотни яратиш эркинлигини беради.


PaaS корхоналарга, ташкилот ёки фойдаланувчиларга махсус дастурий

компонентлар ёрдамида PaaS ичига ўрнатилган иловаларни лойиҳалаш ва яратишга имкон беради. Баъзан ўрта дастур деб аталадиган ушбу иловалар маълум ҳажмдаги булут хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши мумкин ва бу жуда қулай ҳисобланади.

PaaS хизматидан фойдаланиш кўплаб афзалликларга эга, шу жумладан:

- 1) Иловалар содда, иқтисодий жиҳатдан камҳаражат килади;
- 2) Мослашучан характерга эга бўлади;
- 3) Юқори даражада мавжудлиликга эга бўлади;
- 4) Зарурий кодлаш ишларини сезиларли даражада камайтиради;
- 5) Бизнес сиёсат(жараёнлар)ини автоматлаштиришга имконият яратиб беради;
- 6) Гибрид моделга осон кўчишга имконият беради.

PaaS уни булутли хизмат сифатида белгилайдиган кўплаб хусусиятларга эга, жумладан:




3.5. IaaS хизмати.

IaaS - Infrastructure -as-a-Service - инфратузилма хизмат сифатида деб номланувчи будун хизматлари жуда кенг миқёсли ва автоматлаштирилган ҳисоблаш манбаларидан иборат. IaaS - бу компьютерларга кириш, мониторинг, тармоқ, сақлаш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш учун тўлиқ хизматидир.


IaaS виртуализация технологияси орқали булутли ҳисоблаш инфратузилмасини, серверларни, тармоқларни, операцион тизимларни ва сақлашни ўз ичига олади. Ушбу булутли серверлар одатда ташкилотга бошқарув панели ёки API орқали тақдим этилади, бу эса IaaS мижозларига бутун инфратузилмани тўлиқ бошқариш имкониятини беради. IaaS мижозлари ўзларининг серверларига ва сақлаш жойларига киришлари

мумкин, аммо уларнинг барчаси булутдаги "виртуал маълумотлар маркази" орқали таъминланади. SaaS ёки PaaS хизматидан фарқли ўлароқ, IaaS mijozlari dasturlar, ish vaqti, operatsion tizimlar, ўрта dasturlar va ma'lumotlar kabi jihatlarni bosqariش uchun javobgardir. Biroq, IaaS provayderlari serverlarni, qattiq disklarни, tarmoqlarni, virtualizatsiya va saqlashni bosqaradi.

IaaS kўplab afzalliklarni taklif etadi, shu jumladan:



3.1-расм. IaaS афзалликлари.



3.2-расм. SaaS, PaaS, IaaS фарқлари.

Дунёда сиз тез-тез кўрадиган битта атама - бу ХааS ёки Ҳамма нарса хизмат сифатида. ХааS бу юқори даражадаги индивидуаллаштирилган, жавоб берадиган, мижозлар томонидан тўлиқ назорат қилинадиган маълумотлар ва таклифлар - ва улар IoT қувватлайдиган кундалик мобил телефонлар ва термостатлар каби манбалар орқали тақдим этиладиган маълумотларни англатади. Булут орқали ҳосил қилинган маълумотлардан фойдаланган ҳолда, корхоналар тезроқ инновацияларни амалга ошириши, мижозлар билан муносабатларни чуқурлаштириш ва маҳсулотни сотиб олишдан ташқари сотишни давом эттиришлари мумкин. ХааS автоном рақамли корхонанинг муҳим фаоллаштирувчисидир.

Назорат саволлари:

1. Булут қандай хизматлардан иборат?
2. SaaS хизмати афзалликлари нимада?
3. PaaS хизмати қандай ҳолатларда ўринли бўлади?

4. IaaS хизмати қандай мақсадларда қўлланилади?
5. XaaS хизмати қандай мақсадларда қўлланилади?

Адабиётлар ва интернет сайтлар:

12. Кононюк А.Е. Облачные вычисления. – Киев, 2018. – 621 с.
13. Электронный учебник по облачным вычислениям.
<https://coderlessons.com/tutorials/akademicheskii/izuchite-oblachnye-vychisleniia/obzor-oblachnykh-vychislenii>
14. Введение в облачные вычисления.
<https://www.intuit.ru/studies/courses/673/529/info>
15. <https://www.javatpoint.com/virtualization-in-cloud-computing>
16. <https://www.redhat.com/en/topics/cloud-computing/cloud-vs-virtualization>
17. <https://www.ispsystem.ru/news/xaas>

4-маъруза: Виртуаллаштириш: Hardware, Сервер, Storage виртуализацияси. (2 соат)

Режа:

- 4.1. Виртуализация жараёнлари.
- 4.2. Виртуализация турлари.
- 4.3. Виртуализация хусусиятлари.


Таянч иборалар: виртуализация, сервер виртуализацияси.

4.1. Виртуализация жараёнлари.

Виртуализация - бу сервер, иш столи, сақлаш мосламаси, операцион тизим ёки тармоқ манбалари каби бирор объектларнинг виртуал (асли эмас) версиясини яратиш. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, виртуализация - бу бир нечта буюртмачилар ва ташкилотлар ўртасида ресурс ёки дастурнинг ягона виртуал нусхасини алмашиш имконини берадиган усул. Бу виртуал сақлаш жойига мантиқий ном бериш ва талаб қилинганда ушбу виртуал ресурсга кўрсаткич бериш орқали амалга оширилади.

Мавжуд операцион тизим ва ускуна устидан виртуал машинани яратиш **Hardware виртуализацияси** деб номланади. Виртуал машина мантиқий равишда асосий ускунадан ажратилган мухитни таъминлайди. Виртуал машина яратмоқчи бўлган машина асосий "Host Machine" деб номланади ва

виртуал машина "Меҳмон машинаси" деб номланади.



4.1-расм. Инфраструктура.

4.2. Виртуализация турлари.

Виртуализация турларини 4.1-расмда кўрсатилган.

- Uskuna Virtualizatsiyasi.
- OT Virtualizatsiya.
- Serversni virtualizatsiya qilish.
- Saqlash Virtualizatsiya.

4.2-расм. Виртуализация турлари.

А. Ускуна виртуализацияси.

